

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил август ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди очиқ суд мажлисида, ўз биносида, раислик қилувчи судья М.Базаров, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Бахадиров, Б.Маликовнинг таржимонлигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пскент туман прокурорининг ёрдамчиси К.Касимов, судланувчи Ю.З.З. ва унинг ҳимоячиси “IMPERIUM LAWYER” адвокатлик бюроси адвокати Ж.Эшмуродовларнинг иштирокида,

**Ю.З.З.**, 03.08.2001 йилда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 22 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1105-2501/151-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қўйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Ю.З.З., 2025 йил 16 апрель куни, соат 18:00да Бўка тумани “Янгибоғ” маҳалласи худудидан ўтган “Сардоба-Оҳангарон” йўналишининг 43-км.да А.Р.Т.га тегишли бўлган “LACETTI-2” русумли, давлат рақам белгиси 00 О 000 00, бўлган автомобилни бошқариб келаётган вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидаларнинг” 4-банди “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари кераклиги, 12-банди 1-қисми талабларига мувофиқ ҳайдовчига қўйидагилар тақиқланади, транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш мумкин эмас” деб кўрсатиб ўтилган талабларни қўпол равишда бузиб ухлаб қолиши натижасида, ўзи билан бир йўналишда йўлнинг четида тўхтаб турган Бухоро вилояти, Пешку туманида яшовчи 14.02.1981 йилда туғилган Р.С.Т бошқарувидаги оқ рангли “COBALT” русумли, давлат рақам белгиси 00 О 000 00 бўлган автомобиль билан тўқнашиб, йўл транспорт ходисасини содир қилган.

Натижада “LACETTI” автомобилининг ичида бўлган Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Халқобод МФЙ, Қўйлиқ 5-мавзеси, 26-уй,



36-хонадонда яшовчи 25.07.1963 йилда туғилган П.Н.Ина турли хил тан жароҳати олиб туман шифохонасига мурожаат қилган.

Оққўрғон туманлараро суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 16.05.2025 йилдаги 263-сонли хулосасига кўра, П.Н.Инани “қўшма жароҳат, бош мия чайқалиши, ўнг томонлама иккала болдир суякларини очиқ-ёпиқ синиб силжиши, чап болдир соҳасида шилинма қонталаш” кўринишидаги тан жароҳатлари аниқланганлиги, ушбу тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисм таъсирида олинган бўлиб, муддати қарорда кўрсатилган муддатга тўғри келиши, ушбу тан жароҳатлар умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисмини, яъни учдан бирдан кўпроғини турғун йўқотилиши белгисига кўра, оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳатига кириши аниқланган.

Ўтказилган судга оид транспорт-трасология ва йўл транспорт ходисаси механизми экспертизасининг 2025 йил 15 майдаги 214-215-сонли хулосасида қарорда келтирилган мазкур йўл транспорт ходисаси шароитида ҳайдовчи қоидалар талабларни бажариш учун “LACETTI-2” русумли, давлат рақами 00 0 000 00 бўлган транспорт воситасида ҳаракатланиш жараёнда, “LACETTI-2” русумли, давлат рақами 00 0 000 00 бўлган транспорт воситасини йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ҳолатида бошқармасдан, сергак ҳолатда бошқариш ва бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишлари учун хавф туғдирмаган ҳолда ҳаракатланиш орқали йўл транспорт ходисани олдини олиб қолиш имкониятига эга бўлган қарорда келтирилган мазкур йўл транспорт ходисаси шароитда “LACETTI-2” русумли, давлат рақами 00 0 000 00 бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-банди 1-қисми талабларига қатъий амал қилиш йўли орқали йўл транспорт ходисасини олдини олиб қолиш учун имкониятга эга бўлганлиги, мазкур йўл транспорт ходисаси ҳолати “LACETTI-2” русумли, давлат рақами 00 0 000 00 бўлган транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди ҳамда 12-банди 1-қисми талабларига зид бўлганлиги ҳамда ҳайдовчининг ушбу зидликлар билан содир этилган йўл транспорт ходисаси сабабий боғланишда бўлганлиги кўрсатилган.

Бўка туман прокурорининг 2025 йил 22 май куни тасдиқлаган айблов далолатномасига кўра, судланувчи Ю.З.З.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи Ю.З.З. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда ар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув олиб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Жабрланувчи П.Н.Ина суд мажлисида, судланувчи Ю.З.З.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, Ю.З.З. унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Р.С.Т суд мажлисида, судланувчи Ю.З.З.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, Ю.З.З. унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар А.Р.Т. суд мажлисида, судланувчи Ю.З.З.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, Ю.З.З. унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг ярашув ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида, ушбу Кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори билан бирилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи Ю.З.З.нинг муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлик билдиргани, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар билан ихтиёрий равишда ярашгани, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этгани, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарларга ёки судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланланмагани ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳам ярашувга розилик билдирганликларини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу жиноят иши ярашувга асосан тугатилганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84, 423, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд;

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Ю.З.З.** га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.



Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи Ю.З.З.га нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан кейин кассация тартибида, хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**М.М.Базаров**

